

 <https://doi.org/10.63241/20261S20akhv>

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИРИШКОР ТУМАНИ ДЕГРАДАЦИЯГА УЧРАГАН ЯЙЛОВЛАРИ ҲОЛАТИ

Аҳмедов Умид Алижон ўғли 

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий - лойиҳалаш институти

мустақил тадқиқотчиси

e-mail: [axmedovumid93@gmail.com](mailto:axmedovumid93@gmail.com)

**Аннотация.** Яйловларнинг деградацияга учраши бугунги кунда кўплаб қурғоқчил ва ярим қурғоқчил ҳудудларда муҳим экологик ва иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади. Яйловларнинг ҳаддан ташқари фойдаланилиши, иқлим ўзгариши, тупроқ эрозияси ва нотўғри бошқарув натижасида табиий озуқа базаси кескин камайиб бормоқда. Мазкур тадқиқотда деградацияга учраган яйловларни тиклашда бирламчи уруғчилик маданий яйловларини ташкил этишнинг аҳамияти ўрганилди. Тадқиқот жараёнида қурғоқчил ҳудудларга мос келадиган кўп йиллик бошоқли ва дуккакли ем-хашак ўсимликлари танлаб олинди ҳамда уруғ етиштириш технологиялари ишлаб чиқилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бирламчи уруғчилик майдонларини ташкил этиш орқали яйловларнинг маҳсулдорлигини 2–3 баробар ошириш, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва биологик хилма-хилликни тиклаш мумкин. Олинган натижалар деградацияга учраган яйловларни барқарор бошқариш ва тиклаш учун муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** яйлов деградацияси, уруғчилик, маданий яйловлар, яйловларни тиклаш, ем-хашак ўсимликлари, барқарор яйлов бошқаруви

**Аннотация.** Деградация пастбищ в настоящее время является одной из важных экологических и экономических проблем во многих засушливых и полузасушливых регионах. Чрезмерное использование пастбищ, изменение климата, эрозия почв и неэффективное управление приводят к значительному сокращению естественной кормовой базы. В данном исследовании изучена научно-практическая значимость организации культурных пастбищ на основе первичного семеноводства для восстановления деградированных пастбищ. В ходе исследования были отобраны многолетние злаковые и бобовые кормовые растения, адаптированные к засушливым условиям, а также разработаны технологии производства семян. Результаты исследования показали, что создание участков первичного семеноводства позволяет увеличить продуктивность пастбищ в 2–3 раза, улучшить плодородие почвы и восстановить биологическое разнообразие. Полученные результаты могут

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

служить важной научной основой для устойчивого управления и восстановления деградированных пастбищ.

**Ключевые слова:** деградация пастбищ, семеноводство, культурные пастбища, восстановление пастбищ, кормовые растения, устойчивое управление пастбищами.

**Abstract.** Pasture degradation is currently one of the major ecological and economic problems in many arid and semi-arid regions. Excessive use of pastures, climate change, soil erosion, and improper management have led to a significant reduction in the natural forage base. This study examines the scientific and practical significance of establishing cultivated pastures based on primary seed production for the restoration of degraded pastures. During the research, perennial cereal and legume forage plants adapted to arid conditions were selected, and technologies for seed production were developed. The results of the study showed that the establishment of primary seed production areas can increase pasture productivity by 2–3 times, improve soil fertility, and restore biodiversity. The obtained results serve as an important scientific basis for the sustainable management and restoration of degraded pastures.

**Keywords:** pasture degradation, seed production, cultivated pastures, pasture restoration, forage plants, sustainable pasture management.

### КИРИШ

Кузатишларимиз натижасида Миришкор туманининг мавжуд 208000 гектар яйловларида асосан қўйлар, эчкилар, туялар, қорамоллар ва отлар боқилиши аниқланди. Ҳудуддаги ўсимлик қопламида майда ва йирик шохли чорва молларни ўтлатиш учун йилнинг уч мавсумида фойдаланиш мумкин бўлган яйловлар устунлик қилади, аммо иқлим шароити туфайли яйловларнинг аксарият қисмидан фақат иссиқ мавсумда фойдаланилади. Минтақанинг асосий қисми чўл яйловлардан иборат бўлиб, боқиш нормаларига амал қилган ҳолда йилнинг икки, уч мавсум ва йил бўйи давомида фойдаланиш мумкин.

Яйловлар - чорва молларини боқиш ва кўпайтириш учун асосий озуқа манбаи ва восита ҳисобланади. Шу сабабли мавжуд яйловларни асраш, таназзулга юз тутишининг олдини олиш, яйлов ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириш, умуман олганда яйловлардан оқилона ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

2025 йил октябргача Қашқадарё вилояти Гидрометеорология марказининг 2025 йил 3 ноябр кунги 23-01/86-сонли Муборак тумани Муборак метеорологик станциясида қайд этилган метеомалумотларига кўра, 2025 йилдаги максимал ҳаво ҳарорати  $+48^{\circ}\text{C}$  эканлиги маълум бўлган, бу кўрсаткич ўтган 2024 йилдаги максимал  $+42^{\circ}\text{C}$  гача эканлиги ҳамда ҳарорати  $+6^{\circ}\text{C}$  га купайганлигини англатади. 2025 йилдаги минимал ҳаво ҳарорати  $-5,4^{\circ}\text{C}$  бўлган, бу кўрсаткич ўтган 2024 йилда  $-4,1^{\circ}\text{C}$  гача эканлиги ҳамда ҳаво

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

харорати  $-1,4^{\circ}$  С га купайганлигини кўриш мумкин. Қиш кунлари ҳавоси беқарор, кўп булутли, камёгин, ҳароратнинг ва намликнинг тез ўзгариши характерлидир. Шунингдек, ўртача ёғингарчилик миқдори 2025 йилда 48 мм, 2024 йилда 59,6 мм, 2024 йилга нисбатан 11,6 мм камайган.


### НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Миришкор туман ҳудудларида ўрганишлар олиб борилганда ўсимликларнинг ҳосилдорлиги 2,5 с/га, озуқа бирлиги 0,72 с/га, ўсимликлар билан қопланиш даражаси 58% ни ташкил этди. 2023 йил 1,84 с/га ҳосилдорлик (2022 йилда 2,50 с/га) ташкил қилиши аниқланди. Яъни 2022 йилга нисбатан ўртача йиллик ҳосилдорлик 0,66 с/га камайганлиги кўришимиз мумкин. Озуқа бирлиги 1,20 с/га (2022 йилда 0,72 с/га) 2022 йилга нисбатан 0,48 с/га кўпайганли аниқланди. Ўсимликлар билан қопланиш даражаси 2023 йил 45% ни (2022 йил 58% ни) ташкил этди. 2022 йилга нисбатан ўсимликлар қопланиш даражаси 13% га камайганлиги малум бўлди.

2024 йил 1,98 с/га ҳосилдорлик (2023 йилда 1,84 с/га) ни ташкил қилиши аниқланди. Яъни 2023 йилга нисбатан ўртача йиллик ҳосилдорлик 0,14 с/га кўпайганли кўришимиз мумкин. Озуқа бирлиги 1,20 с/га (2023 йилда 1,20 с/га) яъни 2023 йилга нисбатан ўртача йиллик ҳосилдорлик ўзгармаганлигини кўришимиз мумкин. Ўсимликлар билан қопланиш даражаси 2024 йил 49% ни (2023 йил 45% ни) ташкил этди. 2023 йилга нисбатан ўсимликлар қопланиш даражаси 4% га кўпайганлиги малум бўлди.

2025 йил 1,80 с/га ҳосилдорлик (2024 йилда 1,98 с/га) ни ташкил қилиши аниқланди. Яъни 2024 йилга нисбатан ўртача йиллик ҳосилдорлик 0,18 с/га камайганлигини кўришимиз мумкин. Озуқа бирлиги 0,99 с/га (2024 йилда 1,20 с/га) 2024 йилга нисбатан 0,21 с/га кўпайганлиги аниқланди. Ўсимликлар билан қопланиш даражаси 2025 йил 48% ни (2024 йил 49% ни) ташкил этди. 2024 йилга нисбатан ўсимликлар қопланиш даражаси 1% га камайганлиги малум бўлди.

### *Миришкор туманида 2022-2025 йилларда ўтказилган табиий яйловлар ўсимликлари мониторингида аниқланган ҳосилдорлик ва озуқа бирлиги бўйича таққослаш жадвали*



## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

Туманнинг Ўзбекистон ҳудуди ва Авазчўл ҳудуди мисолида кўрадиган бўлсак, ҳудудда утган 2024 йилга нисбатан ўсимликлар сони, қопланиш даражаси ва ҳосилдорлигининг камайиши об-ҳавонинг нисбатан ноқулай бўлиши билан боғлиқ.

**035-мониторинг пункти (400 га)**да ўрганишлар олиб борганимизда ҳудудда кўп йиллик ўсимликлардан Ранг (*Сарех пачистйлис Ж Гай*), Каттагулли читир (*Стригоселла грандифлора Бунге Ботсч*), Елимли каррак (*Сусининиа ресиноса Жуз.*), Оппоқ янтоқ (*Алҳаги санессенс Регел Шан.*), Сассиқ коврак (*Ферула фоеида Бунге Регел*), Узинтукли қилтиқ (*Таениатҳерум сринитум Счреб. Невски*), Эгилган қизғалдоқ (*Роемериа рефраста Стив.ДС*), Оддий исириқ (*Пеганум ҳармала Л*), Бонапарт арпахони (*Эремийрум бонаепартис Спренг. Невски*), Тарвақайлаган шuvoқ (*Артемисиа диффуса Красч. Эх Полжаков*). Тиканли ковул (*Саппарис спиноса Л.*) каби ўсимликлар аниқланди. Бу ўсимликларнинг 2025 йил 1,98 с/га ҳосилдорлик ташкил қилиши аниқланди. Ўсимликлар билан қопланиш даражаси 2025 йил 48% ни ташкил этди. Жумладан Тарвақайлаган шuvoқ ўсимлигини таҳлил қиладиган бўлсак 2025 йилда 120000 дона ташкил қилди. Бунинг сабаби "Ёғингарчилик миқдори ўтган йилга нисбатан камайганлиги учун, яъни 2024 йилга қараганда ёғингарчилик миқдорининг 11,6 мм (2025 йилда 48 мм, 2024 йилда 59,6 мм)га камайишини кўрсатиш мумкин. Ҳудуддаги ўсимликларнинг вегетатсия даври кеч бошланиб эрта тугаши ўсимликлар уруғлаш давригача чорва моллари ўтлаб кетиши ҳамда ушбу пунктга яқин 3 км радиусида 12 та қўралар мавжудлиги улар доим бир жойга узок муддат боқилиши ва бир жойдан тинимсиз ҳайдаб ўтилиши сабабли ўсимликлар ҳосилдорлиги камайиб деградацияга учраган майдонларни ортишига олиб келмоқда.

Мониторинг пунктида табиий ўсимликлар турлари 2025 йилда умумий (популярсияси) сони 11 ташкел келди.

Мониторинг пункти аҳоли пунктдан 1,5-2 км радиусда 1 та чорва (қўй ва эчки) қўралари мавжуд. 3.5 км узокликда 30 та хонадондан иборат аҳоли пункти мавжуд.

Яйлов ўсимликларини янада бойитиш, ўтлоқларда кам истеъмол қилинадиган ўтларни озуқа бирлиги жиҳатидан қимматлироқ бўлган ва барча мавсумларда ейиладиган ранг (озуқа бирлиги фоиз ҳисобида ҳар бир фаслда ўзига хос яъни баҳорда – 90, ёзда – 65 кузда – 40 ва қишда – 15 ни ташкил этади.), Елимли каррак (озуқа бирлиги фоиз ҳисобида ҳар бир фаслда ўзига хос яъни баҳорда – 80, ёзда – 70 кузда – 50 ва қишда – 15 ни ташкил этади.), Каттагулли читир (озуқа бирлиги фоиз ҳисобида ҳар бир фаслда ўзига хос яъни баҳорда – 75, ёзда – 65 куз ва қишда – 40 ни ташкил этади.) (*Ўзбекистоннинг табиий яйлов ва пичанзорларида геоботаник тадқиқотлар ўтказиши бўйича услубий қўлланма, қайта 2-нашр. Тошкент 2022 й. (М. Розметов, Р. Тураев ва бошқалар 46-бет)*). Чунки яйловларда ноёб озуқавий

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

Ўсимликлар экилишининг жорий этилиши яйловлар маҳсулдорлигини ошириш ва уларнинг 2-3 баробаргача кўтариш имконини беради. Шу мақсадларда ҳамда озуқа бирлигини янада ортиши учун мониторинг пунктлар атрофида икки ёки уч гектар майдонларни баландлиги 1,5-2 метр бўлган сим тўсиқлари билан ўраган ҳолда уруғ етиштириб, ушбу уруғларни деградация (инқироз) га учраган майдонларда тарқалишини таъминлаш ҳамда ушбу сим тўсиқ билан ўралган майдонлардан уруғи олингандан сўнг қолган пичанларни қиш мавсумига озуқа захираси сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳосилдорлиги паст бўлган мазкур мониторинг пунктида яйловларни тиклаш, шунингдек доимий назорат қилиб туриш мақсадида мавжуд аҳоли пунктига яқин бўлган ҳудудда ўлчамлари 6м x 6м бирламчи уруғчилик майдонлари ва ўлчамлари 2 гектар бўлган плантатсия ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, ҳамда теварагини кўра, сим тўсиқ қилиш тавсия қилинади. Бунда асосан озуқабоп ўсимликларидан мингбош (чала бута)- (Сонволвулус псевдосантабриса Счренк) нинг “Тўлқин” нави ва Оқ жусан (бутача) – (Артемисиа террае албае Ҳ.Красч) уруғларини текис сепиб экиш тавсия қилинади.

“Ўзбекистон” ҳудудида яйлов ҳосилдорлигини кўпайтириш мақсадида деградацияга учраган майдонларда тупроққа ишлов бериш ва экинларни жойлаштириш, экишнинг оптимал муддатлари, уруғ сарфи меъёрлари, экиш усули ва техникаси, уруғларни тупроққа қадашнинг оптимал чуқурлиги ва экинларни парваришlashга алоҳида эътибор бериш керак.

Агротехник тадбирлар орасида тупроққа ўз вақтида сифатли ишлов бериш ва экиш олдида минимал ишлов бериш муҳим аҳамиятга эга, яъни борона билан ишлов берилса уруғларнинг 0,5-2 см гача чуқурликка тушишига эришилади. Бу ўз навбатида униб чиққан ўсимликларнинг яшовчанлик даражасини 70 % га етказишга эришилади.

Полосаларни доимий шамол эсадиган томонларга перпендикуляр қилиб жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўпчилик олимларнинг тавсияларига кўра, чўл озуқабоп ўсимликларини экишнинг энг оптимал муддатлари қишки ойлардир, яъни декабрнинг бошидан январ ойининг охиригача.

Шу боис, яйловларни кўпайтириш мақсадида ҳар бир гектар ерга одатда 15-20 кг уруғ сепиш мақсадга мувофиқ миқдорларда гектардаги ўсимликлар туп сонига эришилади. Яйловларни ҳосилдорлигини ошириш мақсадида турли ўсимлик турлари уруғлари аралашмаларидан (буталар - 20%, ярим буталар 65% ва ўтчил турлар - 15%) гектарига 15-20 кг уруғ сарфлаш мақсадга мувофиқ. (Уруғ экиш меъёрлари. Шамсутдинов, Ибрагимов, 1983).

Мазкур ҳудудда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида техника ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда уруғлар сепиш ишларини ташкил қилиш мумкин. Уруғ сепиш ишларининг унумдорлигини ошириш мақсадида уруғ аралашмалари тележкага юкланади ва 2-3 кишидан иборат

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

уруғ сепувчилар тележканинг устидан туриб уруғларни бир меъёрда сепиб кетиш амалиётини қўллаш маъқул.

Чўл озубабоп ўсимликлари уруғларини тупроққа 0,5-2,0 см чуқурликка кўмиш уларнинг дала шароитидаги унувчанлигини 2 маротабага оширади. Шу боис, уруғларни кўрсатилган чуқурликка кўмилишига эришиш учун уруғ сепилган майдонларни бороналаш тавсия қилинади. Ушбу агротехник тадбирни уруғ сепиш бир йўла бажариш учун уруғ юкланган тележка орқасига барана тақилади. Бунда уруғларни сепиш тележканинг олдинги қисмида амалга оширилади. Баъзан қор босган майдонларда уруғ сепиладиган бўлса бу агротехник тадбирга (борона) зарурат бўлмайди.

Яйловларда чорва моллар бош сони меъёрини тенг тақсимлаш, чорва бош сонининг асосиз ошиб кетишига йўл қўймаслик борасида фермер хўжаликлари, яйлов ерларидан фойдаланувчилар ҳамда аҳоли орасида тушунтириш ишлари ҳамда тренинглари ва шунга ўхшаш тадбирлар амалга ошириш учун мутахассис билан амалий иш олиб бориш тавсия этилади.

Бугунги кунда электр энергиясига бўлган талаб бўлган даврда қуёш панелларини ўрнатиб сув хўжалиги вазирлигининг тегишли ташкилотлари билан келишилган ҳолда чорва молларини суғориш учун қўшимча сув қудуқлари ёки скважиналар қазилари ва қудуқлар атрофида томчилаб суғориш тизимини жорий қилиб озубабоп ўсимликлар (Мингбош-Сонволвулус псевдосантабриса Счренк ва Оқ жусан Артемисиа террае албае Х.Красч)ни экиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Деградацияга учраган майдонларнинг келиб чиқиши асосан кўп холларда чорва молларини бир жойга тинимсиз боқилиши, айрим хашоратлар(чигиртка) кўпайиб яйлов ўсимликларини еб кетиши, ва асосий сабаблардан бири баҳор ойларида кўпроқ содир бўладиган дарё ва сойлардан оқаётган сувлар тошқинлари, ва хоказолар.

Яйловлардан бемақсад самарасиз фойдаланиш ва сунъий равишда деградация майдонлари хосил қилишга қарши курашиш тавсия этилади.

Инқирозга учраган яйловларни тиклаш мақсадида, озубабоп ўсимликларни бирламчи уруғчилик майдонларини ташкил этиш. Бунда озубабоп ўсимликларнинг ўруғлари етилган пайтида териб олиш ва уруғларни экиш давригача сақлайдиган махсус жойларни ташкил қилиш керак бўлади. Бунинг натижасида яйлов ерларида чорва молларига озубабоп бўладиган ўсимлик турларини кўпайтиришга эришилади ва яйлов ерларининг деградацияга учрашининг олди олинади.

Яйловларда тартибли алмашлаб боқиш тизимини жорий қилиш керак. Чорва молларини мавсумий боқиш тўғрисида худуд яқинида яшовчи аҳоли ҳамда шу худуддан чорва молларини боқишда фойдаланувчи чорводорлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш керак, чунки биз худудда тадқиқот олиб бориш давомида чорводорлар яйлов ерларида чорва молларини тартибсиз боқилишининг гувоҳи бўлдик.

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

Ер деградацияси-узоқ муддатли экологик маҳсулдорлигининг камайиши ёки табиий биологик хилма-хиллигининг озайиши ёки ташқи таъсирларга бардошлилигининг йўқолиши натижасида экотизимнинг бутунлигига салбий таъсир этувчи ер табиий салоҳиятининг ёмонлашуви шаклидир. Оддий сўз билан айтганда, ер деградацияси бу ер олдинги унумдорлигининг йўқолишидир.

Яйловлар деградациясини кузатиш мақсадида турли индикаторлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг муҳимларидан бири ўсимлик қоплами ҳисобланади. Яйловлардаги мавжуд агрометеорологик маълумотлар, яйловларни аерофотометрик текшириши ва сунъий йўлдошлардан олинган маълумотлар ҳосилдорликнинг кўп йиллик динамикасини кузатиб бориш, ундаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш деградацияга учраган ҳудудларни аниқлаш имконини беради. Ушбу натижалар жойларда яйлов деградациясининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишни татбиқ этиш учун асос ҳисобланади.

Мавжуд яйловларда ўсаётган ўсимлик турларини табиий кўпайишини таъминлаш мақсадида ўсимликларнинг уруғини тўлиқ пишиб етилиши учун ҳар бир гектар майдонда биттадан 4-4 метр ҳажмдаги ёғочли, симли ёки буталар ёрдамидаги тўсиқли майдонларни ташкил этиш;

Мавсумий боқишни ҳар бир фаслга қараб яйлов ерларни ажратиб боқишни ташкил қилиш керак. Ҳосилдорлиги паст бўлган яйловларни тиклаш мақсадида, мутахассислар тавсияларига асосан ҳосилдорлиги юқори бўлган озуқабоп ўсимликларнинг бирламчи уруғчилик майдонларини ташкил этиш, яйловлар деградациясининг олдини олиш мақсадида яйловлар алмашилиши билан яйловларнинг унумдорлигини оширишга, уларнинг айрим жойларини йилнинг муайян фаслларида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

- яйловларнинг маълум бир қисмида чорва молларининг тартибсиз кўп боқилишининг олдини олиш мақсадида алмашлаб боқиш тизимини жорий қилиш ва бу бўйича доимий назорат ўрнатиш. Шунингдек, яйловларда чорва моллар бош сони меъёрини тенг тақсимлаш, чорва бош сонининг асосиз ошиб кетишига йўл қўймаслик;

- узоқ ва кам фойдаланиладиган яйловларга борадиган дала йўлларини яхшилаш ҳамда янгидан йўллар очиш;

- аҳолидан узоқ ҳудудларда чорва молларини сақлайдиган ва чўпонлар учун шароитлар яратилган махсус жойлар ташкил этиш;

- фермер хўжаликлари ва яйловдан фойдаланувчилар кооперативлари томонидан маълум ҳудудларни сим тўсиқлар билан ўраш, бунда яйлов уруғчилиги ташкил этилади ҳамда қишлоғга захира сифатида пичанзорлар ҳосил бўлади

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

- дарахт, бута ва яримбута ўсимликларни аҳоли томонидан ёқилғи ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик учун аҳолига кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб бориш;

- яйловлардан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш учун ҳудудлардаги чорвачилик мутахассислари, чорвачилик фермер хўжаликларининг тажрибали ишчилари, Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси институтининг агротехник кўрсатмалари асосида ишни ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Туманда жойлашган бошқа ҳудуд(массив)лар географик жойлашуви, ўсимликлар турлари ва бошқа жиҳатлардан деярли бир хил бўлганлиги сабабли келтирилган Ўзбекистон ҳудуди бўйича аниқланган салбий ҳолатларни олдини олиш, ҳосилдорлигини ошириш мақсадларида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни Авазчўл ҳудудига ҳам қўллаш мумкин.

### ХУЛОСА

Ҳосилдорлиги паст бўлган яйловларни тиклаш мақсадида, мутахассислар тавсияларига асосан ҳосилдорлиги юқори бўлган озуқабоп ўсимликларнинг бирламчи уруғчилик майдонларини ташкил этиш, яйловлар деградациясининг олдини олиш мақсадида яйловлар алмашилиши билан яйловларнинг унумдорлигини оширишга, уларнинг айрим жойларини йилнинг муайян фаслларида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Яйловларнинг маълум бир қисмида чорва молларининг тартибсиз кўп боқилишининг олдини олиш мақсадида алмашлаб боқиш тизимини жорий қилиш ва бу бўйича доимий назорат ўрнатиш. Шунингдек, яйловларда чорва моллар бош сони меъёрини тенг тақсимлаш, чорва бош сонининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймаслик.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 2021-йилги таҳрири
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майдаги “Яйловлар тўғрисида”ги ЎРҚ-538-сон Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрдаги “Экологик назорат тўғрисида”ги ЎРҚ-363-сон Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида чо‘лланиш ва қург‘оқчиликка қарши курашиш бў‘йича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4204-сон қарори.

---

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

---

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 мартдаги “Яйловлар ва улардаги ер ости сувларини муҳофаза қилиш ҳамда яйлов деградациясига қарши курашиш чора-тадбирлари то‘ғ‘рисида”ги 126-сон қарори.

7. О.Ў.Давронов. Масофадан зондлаш орқали яйлов ерлари мониторингини юритиш усулини такомиллаштириш (Бухоро вилояти мисолида): қ.х.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. - Тошкент, 2022.

8. FAO. Pasture degradation and restoration: Global assessment and best practicyes. 2021.

9. UNCCD National Report – Uzbekistan, 2022.